ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 50 (919) 2024 йил 12 декабрь, Пайшанба



Фуқаролик жамияти ҳафталиги:

ФАОЛЛИК, ТАШАББУС ВА ЭЪТИРОФ

Мамлакатимизда 2-6 декабрь кунлари «Фуқаролик жамияти ҳафталиги» бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Мавлуда Хўжаева иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ва шиддатли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2024 йилларда фуқаролик жамияти институтларини бевосита қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган 64 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳуқуқий ва институционал база яратилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиб, унинг XIII боби “Фуқаролик жамияти институтлари”, деб номланди.

— Ўзбекистон тарихида илк маротаба 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди ва асосий устувор йўналишлар белгилаб берилди, — деди М.Хўжаева.

Ҳафталик фуқаролик сектори вакиллари учун долзарб мавзуларни муҳокама қилиш, демократик қадриятларни тарғиб қилувчи ечимларни ишлаб чиқиш, шунингдек, тажриба алмашиш ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантириш бўйича қадамларни белгилаш учун яхши имконият бўлди.

Мазкур ҳафталик “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилди.

Ҳафталик доирасида Марказий Осиё фуқаролик жамияти халқаро форуми бўлиб ўтди.

Иштирокчилар Марказий Осиёда демократлаштириш жараёнида фуқаролик жамиятининг ўрни, нодавлат нотижорат ташкилотларининг маҳаллий ривожланишга қўшаётган ҳиссаси ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали стратегияларини муҳокама қилишди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётган фуқаролик жамияти институтлари соҳалар бўйича ихтисослашиб, жамият учун юқори малакали мутахассисларни тайёрламоқда, улар эса турли масалаларга ўз ечимларини илгари сурмоқдалар, — деди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳукумат ва барча давлат органлари ислоҳот ва ўзгаришларни фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликсиз амалга ошириб бўлмаслигини яхши англамоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан “Жамият ислоҳотлар ташаббускори” тамойилининг илгари сурилаётганлигини ҳам бунинг ёрқин далили сифатида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, Элдор Туляков мамлакатда ақл марказларига бўлган эътиборнинг ортиши, уларнинг қарорлар ва стратегияларни ишлаб чиқишдаги таъсири ҳақида сўз юритиб, бу борада Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилаётган ташаббусларнинг аҳамиятига тўхталди.

(Давоми 2-саҳифада)



ХЎЖА-САҲАТ-ЛИКЛАР

Хўжасаҳат форсча-тожикча сўз бўлиб, у киши танижони соғлигини билдиради. Самарқанд шаҳридаги мазкур ном билан аталувчи маҳалла илгари яхлит бир ҳудудга бирлашганди. Бугунги кунда “Хўжасаҳат” маҳалласи ўрнида бир эмас, уч маҳалла фаолият кўрсатаяпти. “Юқори Хўжасаҳат”, “Ўрта Хўжасаҳат”, “Қуйи Хўжасаҳат” номлари билан аталаётган мазкур маҳаллаларнинг бой тарихи, одамларининг тақдири, ўзаро бирлашган, бир мақсадга қаратилган маданияти, маънавияти, урф-одатлари, қадриятлари бор. Маҳаллаларнинг аҳолиси аждодларининг шарафли ўтмишларини ҳурмат қилишади, бу билан фахрланишади.

Маълумотларга кўра, маҳаллаларнинг ўтмиши Самарқанд шаҳрида яшаган катта уламо шайх Ҳамиш деган шахс билан боғланади. У асли Ургут туманининг Камангарон қишлоғидан бўлган. Ҳамиш қишлоқдошлари ўртасида юқори обрў-эътиборга эга бўлган, одамлар уни ўзларининг йўлбошчиларидан бири деб билишган. Кўпчиликнинг эътиборидаги бу инсон кутилмаганда оғир хасталикка чалинади. Маҳаллий табиблар Ҳамишнинг дардига даъво излашади, уни муолажа қила бошлашади. Аммо кунлар ўтган сайин дард зўрайса зўрайдики, асло пасаймайди. Шунда бир неча доно инсонлар, кучли табиблар унга маслаҳатлар беришади, касалликдан фориғ бўлиш йўлларини кўрсатишади. Бундай маслаҳатлар ичида вақтинчалик бўлсада, яшаш жойини ўзгартириш таклифлари ҳам бўлади.

(Давоми 8-саҳифада)

(Бошланиши 1-саҳифада)

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан фуқаролик жамияти ҳафталиги доирасида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда сенаторлар, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси А. Эшмуратов ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий ишловчи сенатор Г. Маруфова фуқаролик жамиятини институтларининг жамиятимизда тутган ўрни ва аҳамияти, давлат органларининг улар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлиги каби муҳим жиҳатларга бағишланган маърузалари билан қатнашди.

Тадбир иштирокчилари ўз чиқишларида мамлакатни модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутиши, сўнгги йилларда уларни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш масаласи олдимизга қўйилган устувор мақсадлардан бири эканлиги айтиб ўтилди.

Бу борада кейинги йилларда қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг эркин, барқарор ва тизимли ривожланиши учун мустаҳкам замин яратганлиги қайд этилди.

Тадбир давомида нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” доирасида “Жамоатчилик назорати – давлат ислоҳотларининг амалга оширилиши жараёнларига хизмат қилади” мавзусида очиқ мулоқот ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири билан нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари учрашуви ўтказилди.

Тадбир “Юксалиш” ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши кўмагида, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маҳаллий ҳокимият вакиллари, депутатлар, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат арбоблари, бошқа жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда “Юксалиш” ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси раҳбари Тажибай Романов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Ражаббай Нуразизов, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири Элмурод Турсуновлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини ошириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида “Фуқаролик жамияти ҳафталиги”ни ўтказиш белгиланган. Шунга мувофиқ, ҳафталик жорий йилнинг 2-6 декабрь кунлари республиканинг барча ҳудудларида ўтказилди.



Ҳафталик доирасида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон – Озарбайжон нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлик форуми ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, вазирлик ва идоралар вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари, шунингдек, Озарбайжон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш агентлиги ҳамда Озарбайжондан ташриф буюрган 20 нафардан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Форум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ юртимизда илк маротаба бўлиб ўтаётган “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” доирасида ўтказилди.

Қайд этилдики, Ўзбекистон – Озарбайжон икки қардош халқларнинг алоқалари турли йўналишларда ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, икки давлат раҳбарларининг эътибори натижасида фуқаролик жамияти институтлари йўналишида ҳам ҳамкорликнинг илк қадамлари ташланди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ Ўзбекистон ва Озарбайжонда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти аъзолари, давлат идоралари вакиллари ва экспертларни бирлаштирган Ўзбекистон – Озарбайжон нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлик форумини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон – Озарбайжон нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлик форуми илк маротаба 2023 йили Озарбайжоннинг Фузулий шаҳрида бўлиб ўтди. Форум иштирокчилари учун ҳар икки мамлакат фуқаролик жамиятининг миллий манфаатлари, устувор йўналишлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган, ривожланиш ва тараққиётга ҳисса қўшадиган салоҳиятли ташаббус ва лойиҳаларни аниқлаш, режалаштириш, муҳокама қилиш ҳамда биргаликда амалга ошириш имконини берди.

Қолаверса, 2023 йили форум доирасида Озарбайжон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш агентлиги Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўртасида ҳамкорлик меморандумлари ҳам имзоланди.

Ўтган бир йил ичида Мазкур меморандумлар доирасида икки мамлакат нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида тажриба алмашилди, ҳамкорлик алоқалар йўлга қўйилди, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳалар амалга оширилди ва медиаконтентлар яратилди. Қолаверса, Боку шаҳрида бўлиб ўтган COP29 конференциясида юртимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон – Озарбайжон нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлик форуми давомида озарбайжонлик нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ўз тажрибалари билан бўлишиб, Озарбайжон Республикасида давлат органлари ва ноҳукумат ташкилотларининг ижтимоий шериклик муносабатлари, инсон ҳуқуқлари, қонун ижодкорлиги ва гендер масалаларида, инклюзивликни таъминлаш ва ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар ечимида ноҳукумат ташкилотларининг роли бўйича маърузалар қилдилар.

Форумнинг мунозаралар қисмида сўз олганлар бошланган ушбу ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, икки давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, истиқболдаги режаларни муҳокама қилиш, қолаверса, янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилувчи халқаро мулоқот майдонини янада кенгайтириш таклифини илгари сурдилар.

Шунингдек, форум якунида Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг бир гуруҳ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик Меморандумлари имзоланди.

Ҳафталик 6 декабрь куни Тошкент шаҳридаги “Ренессанс” кино уйида мамлакатимизда фуқаролар жамиятини ривожига муносиб ҳисса қўшган республика ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирлаш маросимидан сўнг якунига етди.

Маълумки, жорий йилнинг 20 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили деб номлашни таклиф қилди.



АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ КЕЛАЖАКНИ АСРАШДИР

Атроф-муҳитни асраш ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятдир. Ҳозирги кунда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар дунё ҳамжамияти олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Жаҳон ялпи ички маҳсулоти, аҳоли сонининг ўсиши, инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ва глобал энергия ресурсларининг чекланаётгани экологик муаммоларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолини экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” Концепциясини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу концепциянинг асосий мақсади аҳолининг ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарур шарти сифатида атроф муҳитнинг қулай ҳолатини таъминлаш, атроф муҳитга ва аҳолининг саломатлигига салбий таъсирни пасайтирувчи инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига барқарор иқтисодий ривожланиш ҳамда атроф муҳит объектларидан оқилона фойдаланишни ва биологик ресурслар қайта тикланишини таъминлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонни 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси қабул қилинганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Ушбу стратегияда бешта асосий вазифа белгилаб ўтилган. Улардан бири сув ресурсларини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Сув ресурсларини тежаш борасидаги ислоҳотлар доирасида республикада сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, суғориш тизими ва сувни тежовчи технологияларни ривожлантириш, “яшил энергия”ни кенг жорий қилиш доирасида хусусий сектор бошқаруви ва давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш ҳамда “яшил энергия” технологияларини кенг жорий этиш доирасида насос станциялари томонидан электр энергия истеъмолини камайтириш режалаштирилган. Шунингдек, ҳар йили 200 миллион туп дарахт экиб бориш ва республикада яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 2,3 миллион гектарга етказиш, чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 600 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоизга ошириш, атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини 10,5 фоизга камайтириш ва бошқа муҳим вазифалар белгиланган.







Ҳозирги кунда мамлакатимизда ерларнинг чўлланиш ва деградация даражасини камайтириш, Орол денгизининг қуриган тубида дов-дарахтлар экилган майдонларни кўпайтириш, ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариш камайтирилишини таъминлаш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳамда ноёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликлар турларини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мисол тариқасида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан белгиланмаган жойларга чиқинди ташланишининг олдини олиш мақсадида республика бўйича 200 га яқин замонавий видеокамералар ўрнатилиб, доимий назорат йўлга қўйилган. Бундан ташқари Вазирлик томонидан янги экилган дарахт ва буталарни мониторинг қилиш, ноқонуний кесилишининг олдини олиш мақсадида “Яшил макон” ягона электрон ахборот тизими — yashilmakon.eco яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар экологик вазиятни тубдан яхшилаш, экологик вазиятни барқарорлаштириш, ўрмонлар майдонини кенгайтиришга қаратилган “Яшил Макон” миллий лойиҳасини кенгайтириш, Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш ва Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келадиган экологик муаммоларни салбий таъсирини юмшатиш, иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини олдини олиш, биологик хилма-хилликнинг барқарор сақланишини таъминлаш ҳамда атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдини олишга хизмат қилади.

Рустам КЕНЖАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети
Экология ҳуқуқи кафедраси доценти.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Азалдан давлатчилик тамойилларининг адолатли ва мустаҳкам бўлишида қонунларнинг ўрни муҳим бўлган. Қонунлар халқ ва давлат ўртасидаги ишонч кўприги ва сиёсий-ижтимоий жабҳаларнинг ҳам ривожланишида аҳамиятли бўлган. Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга ва тўғридан-тўғри амал қилади.



Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги конститутцияси 6 бўлиб, 27 боб ва 155 та моддадан иборат. Янги конституциядаги ҳар бир бўлим ва модда бугунги давлатимиз илгари сураётган сиёсий ва ижтимоий принципларни ўзида мужассам этган ва асосий қонунимизда шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ ва адолатли тамойилларга таянган ҳолда кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан судга мурожаат қилишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди. Бунга 30 апрел куни бўлиб ўтган референдум натижасига кўра 11 та моддадан иборат тегишли қонуннинг қабул қилиниши асос бўлди. Бу қонуннинг 1-моддасига Конституциянинг янги таҳрири илова қилинган.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага кўпайди.

Янги конституцияга кўра мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро муносиб турмуш кечириши учун керакли шарт-шароитлар яратилади. Бунда – мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятдаги табақаланишнинг олдини олиш, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, имконияти чекланган ва ёрдамга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватланиши, адолатли меҳнат қонунчилигини таъминлаш назарда тутилган.

> **Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.**

Халқ билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. Эндиликда, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Бундан ташқари, турли ҳужжатларни юритишда давлат органлари томонидан хато-камчилик ўтган тақдирда, масалан пенсия тайинлашда тегишли ҳужжатлар базадан топилмай, ноаниқлик юзага келганида ҳам вазият фуқаро фойдасига ҳал этилиши керак.

Инсоннинг конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Бундан ташқари Ер хусусий мулк, ОАВ фаолияти билан боғлиқ ваколатлар, Давлат бошқарувидаги ўзгаришлар, Маҳаллий давлат ҳокимиятидаги ўзгаришларни ҳам айтиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, янгиланган конституция шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ишончи ва суянчиғига айланиб, адолатли қонуний ҳужжат сифатида унинг ёрқин келажаги ва орзу-мақсадларини ўзида ифода этади.

Наргиза ХАЛИЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети профессори,
психология фанлари доктори



МАМЛАКАТНИНГ АСОСИЙ УСТУНИ



Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшлар учун жуда ҳам кенг шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда. Мисол учун, талабалар ҳам ўқиш, ҳам ишлаб тажриба ошириш имконятига эгалар.

“Янги Ўзбекистоннинг асосий устуни — билим, таълим ва тарбия бўлади”, дея Президентимиз илгари сурган ғоя ва унинг замирида амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотлар бугун соҳадаги туб ўзгаришларга эшик очмоқда.

Хусусан, ёшларни ҳозирги долзарб даврда замон билан ҳамнафас таълим олиши учун кўплаб хорижий инвестициялар, халқаро молия институтларининг гранд маблағлари ҳамда давлат бюджетидан йирик миқдордаги маблағлар жалб қилинмоқда. Бунинг замирида юртимиз келажаги ёшларга боғлиқ деган ҳақиқат мужассам. Ҳар бир миллат ҳар қандай соҳада етакчи бўлишни истайди ва бунинг бирдан бир йўли ёшларни таълим жараёнига эътибор қаратиш. Зиёлилар қатламини ўстириш демакдир.

Ҳаётий мисолларга назар ташласак, сўнги йилларда олий таълим муассасалари сони кескин ошганини кўриш мумкин. Айни пайтда уларнинг сони 213 тага етди. Шундан 116 таси давлат ва 67 таси хусусий олийгоҳлар ҳисобланади.

Ўйлаб кўрайлик: нега кескин тарзда бу кўрсаткич ўса бошлади? Чунки ҳозирги кундаги таълим сифати, қулай шарт шароитлар, янги йўналишлар, чет эл таълим тизими ва кўплаб шартномалар ёшлар учун кенг имкониятлар манбаини яратиб бермоқда. Шунингдек, бу ота-оналар онгида ҳам ижобий равишда шаккланиб, ўз болаларини келажакда ҳар томонлама ҳаётга мослашиши ва ривожланиши учун ҳаракат қилишга туртки бўлмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатига алоқадаор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ёшларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши, шунингдек, имконияти чекланган йигит-қизлар учун алоҳида шароитлар бўйича ҳуқуқий асос яратилди. Ҳаттоки хорижий давлатлар билан бизнес шартномалар тузиши ҳамда ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти доирасида давлат органлари томонидан кўрсатиладиган кўмаклар аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш уларга имтиёзли грантлар, кредитлар ва солиқ имтиёзларини тақдим этиш тўғрисида қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тасдиқланган. Бу каби чора-тадбирлар ёшларни ҳам илман ҳам амалий жараёнлар билан таништириш ва етук мутахассис қилиб чиқариш мақсадида ўтказилмоқда. Демак, давлатимиз томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни банд қилиш орқали мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши, ҳозирги глобал даврда илғор ривожланган мамлакатлар сафига кириши учун катта туртки бўлади.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар ОТМларни фақатгина таълим муассаса сифатида эмас балки талабаларнинг билим ва тафаккурини чуқурроқ англаш, катта ҳаётга мос кадрлар ва мутахассисларни тайёрловчи маскан сифатида қарайди. Бундан ташқари, дунёдаги йирик компаниялар асосан талабаларга инвестиция киритмоқда. Ушбу механизм йирик сармоядорлар томонидан олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар орасидан энг қобилятлиларини танлаб олиб, унинг ўқиши ва яшаши учун молиявий кўмаклашган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун олдиндан шартнома тузади ёки талабанинг стартап лойиҳаси сармоядорларга маъқул келса, уни молиялаштириш орқали ғоя эгаси билан тўғридан-тўғри шартнома тузмоқда.

Мисол учун, Oxferd, Cambradge, Louxembourg, Harvard, Stanford каби машҳур университетларининг талабалари амалий фикрлари билан чиқиб ўзларининг стартап ғояларини ривожлантирмоқда ва бунинг кетидан самарали фойдалар ҳам кўришяпти.

Масалан, Harvard университети талабаси Марк Цуккерберг 19 ёшида 2004 йил талабалар учун онлине ижтимоий тармоқ яратади ва уни “Facebook” деб атайди. Ушбу платформа ҳозирги кунда Мета, деб аталади ва ушбу платформа дастлаб фақатгина Harvard университети талабалари жамоаси орасида боғланиш мақсадида ташкил этилган. Платформа Harvard’да машҳур бўлгандан сўнг бошқа университетларга ҳам етиб борган. Шундан сўнг, глобал ижтимоий тармоқ “Facebook”га айланган. Маркнинг бу бизнес ғояси талабаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда яратилгани, боғланиш учун қулай ва зарур бўлгани сабаб машҳурликка эришган.

Мета платформаси (аввалги Facebook) биринчи марта ҳар чоракда 0,50 доллар дивиденд тўлашни бошлади ва ушбу маблағ Цуккербергга акциялари кетидан йилида тахминан 700$ миллион АҚШ долларида даромад келтириши мумкин. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки бу лойиҳадан фақатгина Цуккерберг фойда кўрмади, Harvard университети ҳам фойда олган. Аввало, ўзининг талабаси томонидан яратилган глобал даражадаги муваффақиятли стартап ғоя билан университетнинг машҳурлиги яна ҳам ошади. Harvard томонидан қўллаб-қувватлагани сабаб сармоялар ва ҳамкорликлар кетидан ҳам фойдага эришган. Бундан ташқари, ғоя эгаси муассасага ҳам хайрия ишлари ва инвестициялар кўринишида маблағлар келди. Бу муваффақият Harvard’ни дунё миқёсида янада танитишига ёрдам берди, бу эса университетига кўплаб иқтидорли ёшларни жалб қилишга имкон яратди.

Аммо бу ҳаммаси эмас. Бу каби лойиҳалардан давлат ҳам манфаатдор бўла олади. Чунки Facebook каби йирик компаниялар давлат бюджетига солиқ тўлаш орқали фойда келтиради. Булар реклама ва маъмурий солиқларни ташкил этади. Бу орқали давлат бюджети бойийди ва иқтисодиёт шаклланади.

Хусусан, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университетида ҳам шундай амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Юқори курс ва магистратура талабалари ўртасида ўз стартап ғояларини тақдим этиб, чет эл инвесторлари билан шартнома тузганлар ҳам мавжуд. Бу каби амалий тадбирлар ёшларнинг ижтимоий ва маънавий шакллана олишида катта роль ўйнайди. Чунончи бу орқали улар тажриба оширишади, кўникма ҳосил қилишади, энг муҳими, ўз келажагини ҳозирдан таъминлаш имконига эга бўлади. Бизнес таклифлари омадли келса, давлатимиз иқтисодиёти учун ҳам фойда келтира олиши мумкин.

Малика НАБИЕВА,
Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университети иқтисодиёт факультети талабаси.

Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” гранти асосида тайёрланди.



Қонунчиликдаги янгилик

БОЛАЛАРГА ЗЎРАВОНЛИК — КЕЧИРИЛМАС ЖИНОЯТ

Халқимиз болажон. Ота-она борки, ўз фарзандини ардоқлайди, авайлайди. Бироқ сўнгги йилларда айрим ота-оналар ва тарбиячилар болаларни уриб калтакламоқда, ҳатто тан жароҳати етказиш ҳолатлари ҳам учраб турганлиги ниҳоятда ташвишланарли ҳолатдир. Бундай нохуш хабарлар оммавий ахборот воситаларида ҳам тарқалмоқда.

Қайд этиш керакки, кейинги йилларда болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Уларнинг олдини олиш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалдаги ҳуқуқий механизмлари етарли даражада самарали эмас эди.

Халқаро ташкилотларнинг тадқиқотларига кўра, дунёда 1 миллиардга яқин болалар жисмоний, жинсий, руҳий зўравонликка ва ғамхўрликдан маҳрумликка дуч келишади, жабрланган болаларнинг 80 фоизи бу ҳақда ҳеч кимга хабар бермайди.

Сўнгги уч йилда 2000 нафардан ортиқ фуқаро суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган. шундан 86 фоизи ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка тортилган. Шунинг учун бу иллатнинг олдини олиш, унга қарши самарали курашиш мақсадида яқинда «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ҳужжат билан зўравонликдан жабр кўрган болаларга ҳимоя ордерини бериш тартиби белгиланди. У ички ишлар органлари томонидан 30 кунгача муддатга берилади ва зўравонликдан жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига ваколатли давлат органи иштирокида топширилади.

Зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг аризасига кўра, агар таҳдид ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жиноят ишлари бўйича суд томонидан 1 йилгача узайтирилиши мумкин.

Болалар содир этилган зўравонлик оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш ва маънавий зарарни қоплаш талаби билан судга мурожаат қилиш, шунингдек, зўравонлик масалалари бўйича давлат органларига бевосита ёки қонуний вакил орқали мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонун ота-оналарнинг масъулиятини оширади. Унда ота-оналар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини асрашлари, уларга ғамхўрлик қилишлари ва зарарли таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилишлари кераклиги назарда тутилган. Ҳужжатда болаларни тарбиялаш жараёнида уларни жисмоний жазолаш алоҳида тақиқланган.

Қонунда биринчи марта зўравонлик хавфи остида бўлган болаларнинг 12 тоифаси (етимлар, қаровсиз болалар, ақли заиф болалар, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланувчи болалар, таълим ва тарбия талабларига жавоб бермайдиган шароитларда бўлган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари) аниқ белгиланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги зўравонлик қурбони бўлган, зўравонлик хавфи остида бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва зарур ҳолларда уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича индивидуал чоралар кўрилишини таъминлашга ёрдам беради. Чораларга тажовузкор хулқ-атворни тузатиш ва жинсий зўравонлик содир этган шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаш дастурлари киради. Агентлик томонидан жабрланувчиларга бепул ёрдам кўрсатиш учун кечаю кундуз ишлайдиган ишонч телефони ҳам ташкил этилади.

Ҳужжат билан, болаларга нисбатан зўравонлик шаклларига берилган таърифлар сони 3 тадан (жисмоний, жинсий, руҳий) 6 тага (ғамхўрлик қилмаслик, эксплуатация, буллинг) оширилди.

Умуман олганда, болаларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши жамиятнинг бугунги ва эртанги кунини белгиловчи масала саналади. Шундай экан, бу оила-маҳалла-жамият ҳамкорлигини талаб қилади. Тизимни тўғри йўлга қўйиш билан болаларни зўравонликнинг турли кўринишларидан асраш бўйича кўплаб муаммоларга ечим топса бўлади.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг раиси.

ИЖТИМОИЙ СОҲА БИЗНЕС БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК!

Сўнгги йилларда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар ҳозирча сифатга нисбатан кўпроқ миқдорий ўзгаришларга олиб келди: таълим муассасалари сони кўпайди, биринчи навбатда хусусий муассасалар ҳисобига, болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш, мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларига ўқишга кириши даражалари кескин ошди, хусусий тиббиёт клиникалари сони кўпайди.

Жамоатчилик назорати

Лекин таълим ва тиббий хизматларда зарур сифатга эришиш борасида ҳали қилинадиган ишлар кўп. Буни абитурентларнинг асосий қисми олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларидан ўтишда оладиган баллари пастлиги, тиббий хизмат кўрсатишда фожиали ҳолатлар ҳақида хабарлар кўпайганлиги яққол тасдиқлаб турибди. Ижтимоий хизматлар сифатида тараққиётга эришишнинг асосий тўсиғи, фикримизча, уларни тижоратлаштириш бўлиб, бу ижтимоий давлат тамойилларига зиддир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётга ва ислоҳотларнинг кўзланган мақсадларига эришишга бозор романтизми - жамият ҳаётнинг барча жабҳаларини бозор тамойиллари - шахсий моддий манфаат, хусусий мулк, рақобатга асосланиб қуриш мумкин, деган тасаввур тўсқинлик қилмоқда. Ваҳоланки, бозор иқтисодиётининг учта асосий таянч элементи - (1) хусусий мулк, (2) рақобат, (3) фойда олиш мақсадидаги фаолият, энг аввало, реал иқтисодиётга - моддий ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ хизматларга тааллуқлидир. Ижтимоий соҳада эса бозор тамойилларини тўлиқ маънода қўллаш мумкин эмас.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, тадбиркорлик даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир. Бундан келиб чиқадики, ижтимоий соҳадаги нодавлат секторни хусусий бизнес тузилмалари эмас, балки фойда олиш мақсадини кўзламайдиган (бу кўп даромад олиб, уни иш ҳақи сифатида олишни инкор этмайди) нотижорат ташкилотлар ташкил этиши лозим. Акс ҳолда, масалан, бизнес-медицина одамлар кўпроқ касалланишидан моддий манфаатдор бўлиб чиқади... Бу – абсурд, беъманилик!

Рақобат тушунчасини ҳам таълим ва тиббий хизматларга қўллаб бўлмайди. Масалан, агар бирон-бир таълим муассасасида у ёки бу фанни ўқитишнинг янги илғор услуби - методикаси ишлаб чиқилган бўлса, у ҳолда бу методика давлат томонидан тартибга солувчи орган билан келишилганидан кейин барча шунга ўхшаш муассасаларда қўлланилиши керак ва бу кашфиёт уни яратган муассасанинг тижорат сири бўлиши мумкин эмас.

Худди шунингдек, бирон-бир клиникада у ёки бу касалликни даволашнинг самарали усули ушбу клиниканинг тижорат сири, рақобат устунлиги бўлмаслиги керак.

Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини тижоратлаштириш Ўзбекистонни Конституциямизнинг 1-моддасида ижтимоий давлат деб эълон қилинишига мувофиқ келмайди.

Бундан ижтимоий соҳада - соғлиқни сақлаш ва таълимда хизмат кўрсатувчи нодавлат субъектлар бизнес тузилмалари сифатида эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида фаолият юритишини назарда тутувчи нормаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати келиб чиқади.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, ижтимоий соҳадаги асосий муаммоларни ҳал қилиш иқтисодий ислоҳот муаммоларини ҳал қилишга асосланади. Умуман олганда, вазифа шундан иборатки, иқтисодий ислоҳотлар жараёнига тегишли тузатишлар киритиб, реал иқтисодиётда тадбиркорликни ривожлантириб, бюджет даромадларининг кескин ўсишини таъминлаб, давлат соғлиқни сақлаш тизими, суғурта тиббиёти ва давлат таълим тизимини ривожлантириш учун молиявий асос яратиш керак ва шу билан ижтимоий соҳанинг тижоратлашуви жараёнини тўхтатиш лозим.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ФИРИБГАР ФОШ ЭТИЛДИ



Яқинда судда ўзлаштириш билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилди. Гап шундаки, судланувчи А.Э. 2022 йил 9 мартдан “Law Партнерс H1” МЧЖнинг директори лавозимида ишлаган. У нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини ва таъсисчининг ишончини суиистеъмол қилган.

Яъни, жамиятнинг пул маблағлари ҳисобидан ноқонуний бойлик орттириш режасини тузган. Шу мақсада “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали томонидан жамият ҳисоб рақамига бириктирилган “Интернет Банк” калитидан фойдаланиб, жамият таъсисчининг розилигисиз, 2021 йил 1 декабрдан 2023 йил 31 декабргача бўлган давр мобайнида жамият ҳисоб рақамидан қўшимча равишда жами 473.004.536 сўм миқдоридаги пул маблағларини банк картасига компьютер техникасидан фойдаланиб ўтказиб, жуда кўп миқдордаги пулларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи А.Э. судда эълон қилинган айбловга қисман иқрорлик билдирди. Яъни, у 2022 йил мартдан 2023 йил декабрь ойигача “Law Партнерс H1” МЧЖнинг директори лавозимида ишлагани, жамиятнинг фаолияти юридик хизмат кўрсатишдан иборат бўлганини баён қилди. Х.Ж. жамиятнинг таъсисчиси эканини, жамиятнинг ҳисоб рақамидан ходимларнинг карталарига ўтказилган пул маблағалари бўйича “Транс-Аудит-А” МЧЖ томонидан ўтказилган аудит текширув хулосаси билан танишганини билдирди. 473.004.536 сўмни ўзининг ва жамиятнинг эҳтиёжларига ишлатиб юборганини, уларни тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаб қолмаганини, шунинг учун дастлабки терговда ўзлаштирилган пулни тўлиқ қоплаб берганини, пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўргазма берди.

Суд иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериб, А.Э.нинг содир қилган жинояти ўз тасдиғини топган, деб ҳисоблади.

Жабрланувчи Х.Ж. судда 2023 йилнинг декабрь ойида жамиятнинг фаолияти юзасидан аудит текшируви ўтказганини, текширув натижасига кўра А.Э. томонидан жамият манфаатларига 473.004.536 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги аниқланганини, дастлабки тергов мобайнида А.Э. етказилган моддий зиённи тўлиқ қоплаганини билдириб, даъвоси йўқлигини маълум қилиб кўргазма берди.

Суд судланувчи А.Э.га жазо тайинлашда айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оиласининг ягона боқувчи эканлигини ҳисобга олди.

Суднинг ҳукми билан А.Э. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топди. Унга мазкур модда билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Матчонбой МАТЧАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси.

Мутахассис минбари

СИЛ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЗАРУР?



Сил касаллиги — бу сил микобактериялари келтириб чиқарадиган сурункали юқумли касаллик бўлиб, турли хил клиник кўринишлар, турли органларнинг шикастланиши (асосан нафас олиш тизими), интоксикация ва организмнинг аллергизацияси билан тавсифланади.

1882 йил 24 март куни немис олими Роберт Кох сил касаллигининг қўзғатувчиси — микобактерия топилганлигини эълон қилди. Кейинчалик у ушбу соҳадаги тадқиқотлари учун Нобел мукофотига сазовор бўлди. 100 йил ўтиб, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 24 мартни силга қарши кураш куни деб эълон қилди. Ушбу куннинг асосий мақсади ушбу муаммога эътиборни қаратиш, аҳолини касалликни барвақт аниқлаш мақсадида ўз вақтида профилактик кўрикдан ўтказиш зарурлиги ҳақида хабардор қилиш, шунингдек ўз вақтида тиббий ёрдамга мурожаат қилиш, давлат ва жамоат ташкилотларини ушбу муаммога қарши курашишга жалб этишдан иборат.

Сил касаллиги бугунги кунда жиддий муаммодир, чунки бу одамдан одамга ҳаво томчилари орқали юқадиган касаллик бўлиб, деярли барча органлар ва тўқималарга таъсир қилади, лекин кўпинча ўпка сил билан зарарланади. Ҳозирги вақтда аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари сил касаллигига мойил. Сил таёқчасини ажратувчи бемор хавфлидир, чунки у балғам томчилари билан атроф-муҳитга ва нарсаларга сил таёқчасини тарқатувчи ҳисобланади. Кейин ушбу заррачалар қуриб, улар яна чанг билан ҳавога кўтарилади. Микробактериялар чангда, турли жисмларда ойлар давомида тирик қолади, тупроқда эса 3 йилгача яшайди. Кўпгина дезинфекциялаш воситаларига, шу жумладан спиртга чидамли. Атрофдаги шахслар сил касаллигига чалинган беморга қанчалик яқин мулоқотда бўлса, уни юқтириш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Сил касаллиги белгилари: кечқурун тана ҳароратининг бироз кўтарилиши, умумий ҳолсизлик ва чарчоқ, терлашнинг кучайиши, иштаҳанинг пасайиши, вазн йўқотиши, 2-3 ҳафтадан ортиқ йўтал, кўкрак қафасида оғриқ, қон тупуриш.

Агар сил касаллиги белгилари пайдо бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш касалликнинг олдини олишга ёрдам беради. Энг муҳими, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ёмон одатлардан воз кечиш, спорт билан шуғулланиш, мувозанатли овқатланиш, фаол ишлаш, дам олишни билиш, яхши кайфиятда бўлиш соғлиғимиз учун зарурдир.

Н. МАМАТОВА,
З. ЖУМАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети Фтизиатрия ва пулмонология кафедраси ўқитувчилари

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1210
Адади: 1015
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



ХЎЖАСАҲАТЛИКЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Ҳамиш бундай таклифларни чин дилдан қабул қилади. Кўҳна Самарқандга ёндош бўлажак Хўжасаҳат ерларига келиб яшайди ва ишлайди. Бу ҳудуднинг об-ҳавоси, иқлими, ҳозирги замон тили билан айтганда, экологияси манзур тушади, шу ерда тани сиҳат топади, касалликдан бутунлай тузалади. Бунгача хўжа Ҳамишнинг соғлиги ҳақидаги турли сўзлар атрофга тарқалиб улгурганди. Унинг шифо топишини эса бутун халқ қувонч билан қарши олади. Атрофда “Хўжа Ҳамиш даво топибди, тани сиҳат бўлибди”, – деган гап-сўзлар тарқалибди. Самарқандликлар “Хўжасаҳат” номининг пайдо бўлишини айнан шундай воқеликлар билан боғлашади.

Аста-секин Хўжасаҳат номини олган ҳудудда қурилиш-бунёдкорлик ишлари авж олибди, боғу роғлар кўпайибди. Бўш ётган ерлар ўзлаштирилиб, суғориш тармоқлари барпо этилибди. Шаҳар ёнидаги бу масканга уруғдошлар, бир авлодга мансуб кишилар оммавий равишда кўчиб келишни бошлашибди, улар деҳқончиликни йўлга қўйишиб, фаровон турмуш кечира бошлабди.

Мустақиллик даврида барча маҳаллаларда, хусусан, “Хўжасаҳат”да жиддий тараққиёт кўзга ташланди. Йил сайин кўчалар, хиёбонлар, боғу роғлар ободонлаштирилди, кўкаламзорлаштириш ишлари кучайтирилди, одамлар турмуш тарзи яхшиланиб, фаровонлиги ошиб борди. Аввалига Самарқанд тумани ҳудудига қарашли бўлган маҳалла Самарқанд шаҳрига қўшилди. Унда аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани, ўша пайтнинг ўзида 15 минг нафардан ошгани ҳисобга олинган ҳолда бир маҳалла ўрнида 3 та маҳалла – “Юқори Хўжасаҳат”, “Ўрта Хўжасаҳат”, “Қуйи Хўжасаҳат” ташкил топди.

Меҳр-муҳаббат, мурувват ва садоқат, савоб ва хайрия, оқибат ва одамийлик, умуман, барча яхши хислатлар ҳақида ўйлар эканмиз, бағрикенг маҳалладошларимизнинг бир-бирига кўрсатадиган ёрдами, маҳалла ободончилиги йўлидаги саъй-ҳаракатларини кўз олдимизга келтирамиз, уларнинг мардлиги, адолатпарварлиги, ростгўйлиги сингари қатор хислатларига қойил қоламиз.

Ўйлаймизки, ана шундай хислатлар хўжасаҳатликларда тўлиқ мужассам. Шу ўринда Абу Наср Форобийнинг ”Фозил одамлар шаҳри” асаридаги меҳрли ва инсонпарвар бўлиш ғояларини ёдга олиш лозим. Чунки, Форобий фозил шаҳарни орзу қилиб, бу шаҳарда ҳамма кишилар меҳр-мурувватли, бошқа кишиларни иззат қиладиган инсонпарвар одамлар эканлигини кўрсатиб ўтади.









“Хўжасаҳат” маҳалласи негизида пайдо бўлган уч маҳаллани ҳам шундай фозил маҳаллалар сафига қўшгимиз келади. Маҳалланинг бой тарихи, ўтмишда яшаб ўтган фидойи инсонлари фаолияти ҳақида эсламасликнинг асло имкони йўқ.

“Ўрта Хўжасаҳат” маҳалласида халқ жонкуяри, фидойи инсон Амин Жаводовни билмайдиганларннинг ўзи бўлмаса керак. Узоқ йиллар мазкур маҳаллага бошчилик қилган бу инсон раҳбарлигида “Ўрта Хўжасаҳат”да кўплаб бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳалладаги тўкинлик, ободончилик, меҳр-мурувват ишларини у кишининг номи билан бевосита боғлаш мумкин.

Ички ишлар органларининг собиқ ходими Аҳмаджон Маматов номи “Қуйи Хўжасаҳат” маҳалласи тарихидан ўрин олган. Бир неча туманлар ички ишлар органлари раҳбари бўлган, ўз даврида тинчлик-осойиштиликка хизмат қилган бу инсон хизматдан заҳирага бўшатилгач, меҳнат фаолиятини “Қуйи Хўжасаҳат” маҳалласи билан боғлади. Маҳалладаги барча соҳалар ривожида, маънавият, маърифат, маданиятнинг юксалишида, одамлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг қарор топишида, мустаҳкамланишида унинг алоҳида ўрни бор эди.

“Юқори Хўжасаҳат” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Рустам Ғуломовни маҳалладошлари яхши билишади. Рустам ака биргина маҳаллада эмас, бутун Самарқанд шаҳрида ўзининг тадбиркорлиги билан довруқ таратганлардан. Айни пайтда у маҳаллани бошқариш билан бирга, тадбиркорлик ишларини ҳам юритаяпти. Миллий урф-одатларнинг, қадриятларнинг қарор топиши йўлида жонкуярлик қилмоқда.

Хўжасаҳатда бугунги кунда ҳам қанчалаб тадбиркорлар, фан намоёндалари, маданият ходимлари, тадбиркорлар ва бошқа касб эгалари аждодлар ишларини давом эттиришаяпти. Шундай инсонлардан бири маҳалла фаоли, тадбиркорлик ишларида кўпчиликка ибрат бўлаётган, маҳалла ободончилиги, фаровонлигига муносиб улуш қўшаётган Асатулло Аҳмедовдир. Маҳалладош сифатида Асатулло Аҳмедов меҳнат фаолиятини кузатиб борамиз. Ўрнак олинса, ҳавас қилинса арзигулик. Аҳмедовларнинг аждодлари ажойиб фазилатли инсонлар бўлишган. Улар қайси соҳада ишлашмасин, бошқаларга ибрат кўрсатишган. Фидокорона меҳнатлари билан элнинг илғор одамларига айланишган. Қўли гул ҳунармандлар, моҳир транспортчилар ва яна кўплаб касб эгалари ана шу авлод вакилларидан чиқишган.

Боболаримиздан эшитганмиз. Шариф мисгар, Аҳмад наққош, мулла Козим, Абулқосим Аҳмедов каби фидойилар шу авлод вакиллари бўлишган. Улар халққа, Ватанга хизмат қилишган. Эл фаровонлиги, юрт тўкинлиги йўлида ғайрат-шижоатларини, билим ва маҳоратларини аяшмаган. Ҳозирги Аҳмедовлар сулоласининг энг улуғларидан бири Шариф мисгар бўлган. Самарқанд шаҳри аҳли ўртасида шу ном билан ҳурмат-эътибор топган бу инсон ҳақида унинг авлодлари яхши билишади, боболари ҳаётлари билан боғлиқ тарихни ўрганишга интилишади. Аҳмедовлар ана шу ўрганиш, ана шу интилиш жараёнида аниқлашдики, улар сулоласининг келиб чиқиши беклар авлодига бориб тақаларкан. Бу борада тадбиркор Асатулло Аҳмедовнинг қизиқишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. У тегишли мутахассислар кўмагида аждодлари дафн қилинган қабристондаги қабр тошларидаги ёзувларни ўрганар экан, сулоланинг улуғларидан бири Исҳоқбек номи билан аталгани маълум бўлди. Мутахассислар Шариф мисгар қабр лавҳидаги эски ёзувда “Шарифбек ибни Исҳоқбек” битиги мавжудлиги туфайли шундай хулосага келишди.

Асатулло Аҳмедов шундай авлодга муносиб инсон. Унинг отаси транспорт соҳасида ишлаган. Иккинчи жаҳон урушининг бошидан охирига қадар иштирок этган. Унга Буюк ғалабани Берлинда нишонлаш насиб этган.

Ота изидан борган, транспорт соҳасида хусусий мулкни йўлга қўя олган тадбиркор янги даврда янгичасига ишлаб, кўпчиликнинг эътиборига тушди. У бир эмас, иккита хусусий корхонанинг асосчиси бўлди.

Асатулло Абулқосимович меҳнатсевар, ишбилармон, ташкилотчи, ташаббускор, бағрикенг инсон. У маҳалла ҳаётида фаол иштирокчи. Маҳаллада ўтадиган бирор тадбирдан ўзини четга тортмайди. Уларни уюштиришда, молиявий-ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ташкилотчилигини, саховатини аямайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорларимиз маҳалла ҳаётида фаол иштирок этишаяпти. Айниқса бу борада тадбиркор Асатулло Аҳмедов саъй-ҳаракатларини олқишласа арзийди. Улар ҳар бир байрам, ҳар бир эътиборли кунларда ташкил этилаётган тадбирларда, маъракаларда ўзларининг моддий жиҳатдан ёрдамларини аяшмаяпти.

Асатулло Аҳмедов каби тадбиркорлар билан ҳамкорлик давом эттирилаяпти. Айтиш мумкин, бундай тадбиркорлар ҳар вақт маҳалланинг юзи, кўзи, куюнчаклари бўлиб қолади.

Илҳом ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Самарқанд шаҳар
“Ўрта Хўжасаҳат” маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.